

МУРОЖААТНОМА



20:19 / 11.09.2020 1084

Ассалому алайкум, қадрли мўмин-мусулмонлар!

Маълумингизки, Тошкент вилояти вакиллигининг бош имом-хатиби Хайруллоҳ домла Турматовнинг икки ҳафтадирки товлари йўқ. Аини дамда шифохонада муолажа олмоқдалар.

Домланинг вилоятимиз имом-хатиблари, имом ноиблари, жоме масжидларимиздаги ҳар бир масъул ходимлари ҳамда қалблари Аллоҳнинг байтига боғланган қадрли қавмларига эҳтироми баланд ва юксак эди.

Фаолиятлари давомида жоме масжидларимизни обод ва кўркем, намозхонларни ибодат қилишлари учун муносиб ва замонавий шарт-шароитларга эга бўлиши йўлида тиним билмай меҳнат қилаётган эдилар.

Домламизнинг салмоқли хизматлари ва бугунги ҳолатлари эътиборидан кундалик беш вақт фарз намозларидан сўнг жомеа бўлиб дуо қилсак.

Аллоҳ таоло Хайруллоҳ домламизга комил шифо ато этиб, улар интизор бўлиб ётган ва уларга интизор бўлиб турган меҳрибон Онажонлари ва оилалари бағрига соғ-у саломат қайтиб, шарафли хизматларини узоқ йиллар давом эттирсинлар.

Амин.

Хурмат ила,

Оила аъзолари ва ходимлари номидан ўринбосарлари Нурали Мавланов.